# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 143 (9.638) 2001 йил 7 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


**8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ**

**БУГУН**

***пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройидаги тантанали йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўққиз йиллигига бағишланади***

# БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Азиз ватандошлар!

Олий Мажлисимизнинг сессияси кун тартибига қўйилган масала — халқаро терроризмга қарши курашда доимо сафарбар, доимо огоҳ бўлишимиз ҳақидаги масала — ҳозирги вақтда, ҳеч шубҳасиз, дунё миқёсидаги энг муҳим ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй бераётган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бормоқда. Яъни, бегуноҳ одамларни ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва турар-жойларни портлатиш, босқинчилик, қўпорувчилик каби мисли кўрилмаган жиноятлар орқали миллионлаб инсонларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш, қўрқитиш ва зўравонлик билан ўзининг қабиҳ ниятларига эришишга қаратилган тажовузкор ҳаракатлар авжига чиқиб, шафқатсиз тус олмоқда.

Айниқса, шу йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган, бир неча дақиқада минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ваҳшийлик ер юзидаги барча миллат ва халқларнинг кўзини бу аччиқ ҳақиқатга очиб берди.

Халқаро терроризмнинг ана шундай ўтакетган ёвуз кирдикорлари дунёдаги барча соғлом фикрли кишиларнинг қаҳру ғазабини уйғотди, унга нисбатан бефарқ бўлиш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатди.

Шу ўринда мен терроризм ҳақида, бу балою офатнинг илдизлари, бугунги мудҳиш қиёфаси ҳақида гапирганда, ўзига эътиборни тортадиган баъзи бир омиллар ва сабаблар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** бундай зўравонлик намойишлари илгари ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда дунёнинг турли минтақаларида ўзининг манфур башарасини кўрсатиб келган бўлса-да, эндиликда ана шу қабиҳ ҳаракатларнинг бир-бири билан тобора чамбарчас боғланиб кетаётганини англаш қийин эмас.

Бошқача айтганда, гарчи террорчилик ҳаракатларининг бири, айтайлик, Филиппинда, бири Болқонда, бири Чеченистонда, яна бири Яқин Шарқ ёки бошқа минтақа ва давлатларда амалга оширилаётган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг барчаси бир занжирга боғлангани, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Бундай марказларнинг террорчи тўдаларни уюштирадиган, уларни маблағ билан таъминлайдиган, қуроллантирадиган, ваҳшиёна жиноятларга сафарбар этадиган, нафақат айрим минтақа ва қитъаларга қарши, балки бутун дунё, бутун инсониятга қарши ёвуз режалар тузаётган мудҳиш кучга айланиб кетаётганини инкор этиб бўлмайди.

**Иккинчидан,** халқаро терроризмнинг шу даражага етиши, унинг бутун башарият, жаҳон цивилизациясига қарши офатга айланиб қолганининг яна бир сабаби, кўпгина давлатлар ва уларнинг раҳбарлари, дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бош кўтариб келаётган мана шундай хавфли офатга охирги пайтгача эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормаганида, деб биламан.

Очиқ айтиш керакки, шулар қаторида айрим сиёсатдонлар, давлат арбоблари ва раҳбарлари балки бу хавф-хатарнинг жирканч башарасини сезган бўлса-да, унинг эртанги зарар-зулмини англаган бўлса-да, бу аланга бугун бизлардан узоқ масофада кимнингдир уйини куйдиряпти, мени эса четлаб ўтади, деган хом хаёлда юргани сир эмас, бу ҳам афсуски, аччиқ ҳақиқат.

Бундай номаъқул калтабинлик, бундай ўйинларнинг яна бир кўриниши — мана шу террорчи жоҳиллар ва уларнинг орқасида турган кучлар билан тил топишишга уриниш, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган сиёсатни олиб бориш ҳолатлари ҳам бугун виждонли одамларни ҳайратда қолдиради.

Таассуфки, бизнинг баъзи қўшниларимиз ва ошноларимиз ҳам бундан истисно эмас.

Бугун вазият ўзгариб бораётганини сезиб, бундай арбоблар ўзларининг терроризмга қарши доимо ашаддий курашчи бўлганини ҳар қадамда кўрсатишга ҳаракат қилишлари ҳам ақли расо кузатувчиларнинг назаридан четда қолмаяпти, деб ўйлайман.

**Учинчидан,** тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм офатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, **энг кучли, энг қудратли, энг ривожланган давлатлар ҳам унинг** зарбасидан четда қололмаслиги бугунги кунда халқаро жамоатчиликка аён бўлмоқда.

**Тўртинчидан,** бу даҳшатга қарши халқаро ҳамжамият, биринчи галда, қудратли маърифий давлатларнинг кучларини бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига, бу балодан, нафақат унинг кўринишларини, балки бу балонинг орқасида турувчи марказларни ҳам таг-томири билан, яна бир бор айтаман, фақат таг-томири билан қўпориб, супуриб ташлаш билангина қутулиш мумкинлигига жаҳон жамоатчилиги қайта-қайта иқрор бўлмоқда.

Мана шундай қарорга келган давлатлар, ниҳоят, бугун терроризмга қарши кураш йўлида коалиция тузиб, баҳамжиҳат бўлиб, ўзининг барча куч ва имкониятларини бирлаштирмоқда.

Энг муҳими, қайси миллат ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, жаҳоннинг барча халқлари ва элатлари бугун терроризмга нисбатан ўз муносабати, ўз нафратини билдирмоқда.


**(Давоми 2-бетда).**


## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

**Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси ўз ишини бошлади.**

**Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.**

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессия ишини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир бўлган фожеали воқеалардан сўнг минтақада ва дунёда вужудга келган вазиятни чуқур ва батафсил таҳлил қилиб берди. Давлатимиз раҳбари халқаро терроризмни вужудга келтирган сабаблар ва омиллар, Ўзбекистоннинг ушбу офатга қарши кураш муаммоларига муносабати хусусида батафсил тўхталди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятига таҳдид солаётган террорчиликни барча халқлар ва давлатлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолдагина бартараф этиши мумкин. Террорчилик билан кураш инсоният олдида, мустақил Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. (Маъруза матни чоп этилмоқда).

Парламентнинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов Президент Ислом Каримов маърузасида баён қилинган Ўзбекистоннинг минтақада ва дунёда юзага келган бугунги мураккаб вазиятдаги қатъий нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб, Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига махсус Мурожаатини қабул қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат акциядорлик концерни раиси Н.Кучерский, республика "Маънавият ва маърифат" марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева, Тахтакўпир тумани "Тахтакўпир" ширкат хўжалиги раиси А.Одилов ўз чиқишларида фуқароларни огоҳликка ва террорчилик ҳамда экстремизм кўринишларига қарши курашда ҳамжиҳатликка чақириб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърузасидаги фикрларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон халқига Мурожаат қабул қилишни таклиф этди.


**(Давоми 3-бетда).**


### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг* ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

I. 2002 йил 27 январь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

II. Референдумда овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилсин:

"1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?"

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** — **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 6 декабрь.

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, Истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.**

**Илгари хабар қилинганидек, 5 декабрь куни — Конституциямизнинг байрам қилиниши арафасида Оқсарой қароргоҳида мана шу юксак мукофотларга сазовор бўлган бир гуруҳ ҳамюртларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлди.**

**Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов топширди.**

— Мен бугун шу муҳташам саройда сиз, азизларни Ватанимизнинг мўътабар мукофотлари билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, — деди давлатимиз раҳбари маросимни очар экан, — сизларнинг тимсолингизда шундай мукофотларга сазовор бўлган, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган юзлаб юртдошларимизни ҳам бағримга босиб, уларга ҳам табрик ва мукофотларни бамисоли ўз қўлим билан топшираётгандек тасаввур қиламан. Чунки давлат раҳбари, Президент зиммасида жуда кўп мураккаб ва масъулиятли вазифалар борлигини яхши биласиз. Лекин сизларнинг бугунги шодлигингизга шерик бўлиб, юксак унвон ва нишонларни топширишни зиммамдаги кўп-кўп ишлар орасида ўзим учун энг шарафли вазифа деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу маросим билан боғлиқ яна бир фикрни айтишга ижозат берсангиз. Биз босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, гўзал юртимиз қиёфасида, замонавий корхоналаримиз, бепоён далаларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасидаги улкан ўзгаришларни яққол кўришимиз мумкин.

Айни вақтда, биз эришган натижалар билан бирга, ҳали ечилмаган муаммоларни ҳам таҳлил қилиб, янги марраларни белгилаб, ўз олдимизга янада салмоқли вазифалар қўямиз, албатта.

Очиқ айтиш керакки, бу натижалар кимларнинг меҳнати билан қўлга киритилмоқда, бу ютуқларга кимларнинг фидойилиги ва қаҳрамонлиги эвазига эришилмоқда, деган саволни ўзимизга камдан-кам берамиз.

Бугун шу саволга жавоб берадиган бўлсак, мамлакатимизда рўй бераётган барча ўзгаришлар замирида давлатимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлган сиз каби минг-минглаб одамларнинг фидокорона меҳнати, эзгу интилишлари мужассам эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ислом Каримов Ўзбекистон босиб ўтган 10 йиллик мустақил тараққиёт йўли буюк келажагимиз, порлоқ истиқболимиз, фаровон ҳаётимизга мустаҳкам пойдевор қўйганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўз олдига қўйган катта мақсад ва марралар сари борар экан, бунинг учун мамлакатда, аввало, тинчлик-осойишталикни сақлаш, шу билан бирга, одамларнинг меҳнат қилиши учун шароит туғдириб бериш, ана шу меҳнатни қадрлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини англаб олишимиз зарур, — деб таъкидлади Президент. — Агар жамият ҳаётида инсонга мана шундай муносабат қарор топса, унинг ҳалол меҳнати ўз вақтида муносиб тақдирланса, бундай одам ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш, ўз юртини обод қилишда ҳеч қачон ўзини аямайди.

Ушбу унутилмас дақиқаларда биз, аввало, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган мамлакатимизнинг энг олий унвонига сазовор бўлган моҳир шифокор Раҳмон Муҳаммадиев, ўз меҳнати билан обрў топган газчи Қобул Мўминов, «Меҳрибонлик уйи»нинг жонкуяр мураббияси Вера Борисовна Пак, қирқ йилдан буён жамоа хўжалигини бошқариб келаётган машҳур раис Тожибой Ризаев, саховатли инсон, фермер Алланияз Утениязовнинг номларини катта ҳурмат билан тилга оламиз. Улар қаторида «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», «Шон-шараф», «Соғлом авлод учун», «Меҳнат шуҳрати» ва Ватанимизнинг бошқа юксак мукофотлари билан тақдирланган барча муҳтарам юртдошларимизни ҳам чин дилдан табриклаймиз, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш, эски тузум даврида яшаб-ижод этган, юрт озодлигини орзу қилиб оламдан ўтиб кетган, қалбан истиқлол умиди билан яшаган юртдошларимиз қадрини ўз ўрнига қўйиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг бошида эса шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи турибди. Истиқлолнинг ўн йиллиги муносабати билан шундай ҳамюртларимиздан яна бир гуруҳига «Буюк хизматлари учун» ордени берилганди.

Ислом Каримов таъкидладики, кейинги йилларда биз, кеч бўлса-да, эски тузум даврида бетакрор истеъдоди ва ўлмас мероси билан миллий маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини халқимиз маънавиятининг юксалишига бағишлаган, бугун ҳаётдан ўтган, эл-юртимизнинг олқиши ва ҳурматига сазовор бўлган, унинг хотирасида абадий сақланган ватандошларимизнинг хизматларини муносиб қадрлаб келмоқдамиз. Ана шу анъанага содиқ қолиб, бу йил ҳам бир гуруҳ марҳум санъат ва адабиёт намояндаларини «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаганимиз яна бир савобли, эзгу иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикримга қўшиласиз.

Шахсан мен Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурҳонов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Маннон Уйғур, Мария Кузнецова, Аббос Бакиров, Уста Ширин Муродов, Наби Ғаниев, Мурожон Аҳмедов сингари мумтоз санъаткорларимизнинг мана шундай шарафга муяссар бўлганидан, бу ишда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Мукофотланганлар орасида илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида улкан зафарларни қўлга киритаётган навқирон авлод вакиллари ҳам бор. Улар ҳам Ўзбекистон номини дунёга танитиш, санъат ва илм-фанимизни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келяптилар.

Ислом Каримов давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган мана шу инсонларга қарата, сизларнинг жаҳон майдонларида нафақат ўз номингизни, ўз жамоангиз шуҳратини, айни пайтда гўзал ва бетакрор юртимизни бутун дунёга тараннум этаётганингизни биз Ватан олдидаги, халқимиз олдидаги энг катта хизматингиз, деб баҳолаймиз, деди. Давлатимиз раҳбари уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига ҳам ўзининг самимий миннатдорлигини билдирди.

Президент Ислом Каримов ҳаётимизни янада фаровон этиш, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш ишига, маданиятимиз ва санъатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча азиз инсонларни Ватанимизнинг қутлуғ мукофотлари билан яна бир бор муборакбод этиб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, хонадонларига файзу барака тилади. Барчани Конституциямизнинг тўққиз йиллик байрами билан самимий табриклади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Паркент туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги бошқарув раиси Тожибой Ризаев, Нукус туманидаги «Саховат» фермер хўжалиги бошлиғи Алланияз Утениязов, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Аббос Бакировнинг қизи Ойбарчин Бакирова, академик Эдвард Ртвеладзе, таниқли теннисчи Ирода Тўлаганова ва бошқалар Президентимизга билдирган эзгу тилаклари ва улкан ишончи учун самимий миннатдорлик билдириб, Ватанимизнинг бу мукофотлари янада самарали меҳнат қилишга, маънавиятимизнинг юксалиши ва иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундашини таъкидлади.

**(ЎзА).**

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА БИРДАМ БЎЛАЙЛИК

## Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган халқаро терроризмга қарши жаҳон ҳамжамияти бошлаган кураш тобора кескин тус олмоқда.

XXI аср вабоси деб ном олган терроризм офати дунёдаги барча соф ниятли кишилар қатори халқимизни, мана шу заминда яшаётган инсонларни асло бефарқ қолдирмайди.

Биз, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари халқаро коалициянинг, ер юзидаги барча тараққийпарвар кучларнинг терроризм балосини таг-томири билан қўпориб ташлаш йўлидаги азму қарори ва қатъиятини тўла қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

Биз мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг шу йил 5 октябрдаги Баёнотида ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида баён этилган давлатимизнинг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги аниқ ва равшан позициясини халқимиз иродасининг яққол ифодаси, деб биламиз ва ҳар томонлама маъқуллаймиз.

Терроризм деган даҳшатли аждаҳо сайёрамизнинг турли минтақаларида бош кўтараётгани, бу офат умумбашарий цивилизация учун катта хатар экани тўғрисида Ўзбекистон кўпдан буён бонг уриб келгани яхши маълум.

Президент Ислом Каримов 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида, 1997 йили нашр этилган ва дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили бўлиб ўтган Истанбул саммитида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Минг йиллик саммити" ҳамда бошқа кўплаб нуфузли халқаро анжуманларда бутун жаҳон жамоатчилигини Афғонистон ҳудуди терроризм ўчоғига айланиб қолаётгани ҳақида қайта-қайта огоҳ этиб, бу машъум хатарга қарши биргаликда курашиш борасида ўзининг амалий таклифларини билдирган эди.

Мамлакатимиз Олий Мажлиси ҳам 2000 йил август ойида жаҳон парламентлари ва халқларига Мурожаатнома қабул қилиб, барча давлатларни халқаро терроризмга қарши курашда бирлашишга чақирган эди.

Афсуски, дунё ҳамжамияти халқаро терроризмнинг реал хавфи тўғрисидаги бундай даъватларга етарлича эътибор бермади.

Фақат шу йил 11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейингина дунёдаги етакчи давлатлар Америка Қўшма Штатлари бошчилигида бу ёвуз иллатга қарши кенг миқёсда курашга бел боғлади.

Халқаро терроризм, экстремизм ва уни таъминлаб турган наркобизнес балосидан жафо чеккан, унинг жирканч башарасини ўз кўзи билан кўрган, унга қарши тўқнашувларда бегуноҳ қурбонлар берган халқимизнинг бу курашдан четда туриши асло мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам халқимиз барча кўринишлардаги терроризмга қарши курашда дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намоён этиб, халқаро жамоатчилик амалга ошираётган ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон ва унинг Президенти XXI аср вабосига қарши кураш борасида олиб бораётган қатъиятли ва мустақил сиёсат давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширмоқда.

Биз шуни очиқ айтамизки, Ўзбекистон нафақат Афғонистон заминида, балки бутун дунёда терроризм ўчоқларининг бутунлай тугатилишидан манфаатдордир. Чунки бу манфаат замирида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, фарзандларимиз келажаги мужассам.

Жаҳолатни қурол қилиб олган, қилмиши бузғунчилик, талончилик ва соткинлик бўлган кимсалар билиб қўйсинки, Ўзбекистон халқини ўзи танлаган тараққиёт йўлидан, эркин, демократик жамият қуриш йўлидан ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Азиз ҳамюртлар!

Бугун Афғонистон ва унинг теварагида рўй бераётган воқеалар терроризмга қарши кураш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмаслигини яққол кўрсатиб турибди. Бундай мураккаб бир вазиятда ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир фуқаро ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, ўз бурчини виждонан адо этиши, ўз фарзандларини бегона ва ёвуз таъсирлардан асраши, қисқа қилиб айтганда, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшамоғи зарур. Шундагина у юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги учун, буюк келажагимиз учун муносиб ҳисса қўшган бўлади. Шу маънода, "Ўз уйингни ўзинг асра", деган шиоримиз бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Биз ён қўшнимиз афғон халқининг ҳам тинч-омон ҳаёт кечиришини, бу жафокаш ўлкада осойишталик қарор топишини истаймиз.

Афғонистоннинг келажаги — афғон халқининг ўз қўлида. Қандай давлат қуриши, қандай тараққиёт йўлини танлаш шу мамлакатда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг раҳнамолиги ва кўмаги муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Шу билан бирга, йигирма икки йил давом этган муттасил уруш натижасида вайрон бўлган иқтисодиётни тиклашда ҳам афғон халқига жаҳон ҳамжамиятининг ёрдами даркор.

Бугунги кунда Афғонистонга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамининг асосий қисми Ўзбекистон орқали етказиб берилмоқда. Биз бундан буён ҳам ана шундай гуманитар мақсадлар учун мамлакатимизнинг ер, сув ва ҳаво ҳудудлари доимо очиқлигини яна бир карра баён этамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз барча ватандошларимизга, бутун халқимизга мурожаат қилиб айтамизки:

Озод Ватанимизни, ота-боболаримизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни асраш ҳар биримизнинг ирода ва қатъиятимизга боғлиқдир.

Шу азиз Ватан барчамизники, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ўрнатиш йўлида фидокорона меҳнат қилиш, курашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугунги тарихий синов дамларида биз, Олий Мажлис депутатлари, халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этиб, халқаро терроризмга қарши курашда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов олиб бораётган изчил сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимизни яна бир марта изҳор этамиз ва халқимизни бу курашда бирдамликка, собитқадам бўлишга, огоҳликни қўлдан бермасликка чақирамиз.

Ушбу Мурожаатимиз юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча соф ниятли кишилар юрагида акс садо беради, деб ишонамиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ.**

# БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро терроризмга қарши бошланган кураш — бу офат ўзининг жирканч башарасини қаерда, дунёнинг қайси чеккасида намойиш қилмасин — бу ёвуз ҳаракатларнинг барчасига қарши кураш олиб бориш ҳақидаги қатъий қарор бутун жаҳон миқёсида эълон қилинмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун терроризмга қарши эълон қилинган урушни асло мусулмон динига, алоҳида халқ, биронта миллат ёки давлатга қарши эмас, балки, аввало, халқаро терроризм ва унинг "доҳий"ларига қарши, уюшган тўдалар ва экстремистик марказларга, уларнинг уяларига, база ва полигонларига қарши эълон қилинган узоқ ва давомли кураш, деб тушуниб, бу ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, йигирма йилдан ортиқ давом этаётган уруш Афғонистонни терроризм маконига, бировни назар-писанд қилмайдиган, бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган мудҳиш кучлар уясига айлантирди.

Оқибатда бу ҳудуд дунёнинг турли бурчакларида, шу жумладан, ўзимизда ҳам, оғир жиноятларни содир этиб, қўли қонга ботган, на отасини, на онасини тан оладиган жиноятчи ва жоҳил кимсалар паноҳ топадиган макон бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам баъзи бир одамлар соддалик қилиб, баъзилар эса ғаразгўйлик билан айтаётган, яъни Америка Қўшма Штатлари бугун Афғонистонга қарши, у ерда яшаётган мусулмонларга қарши уруш қилмоқда, деган гапларда ҳеч қандай асос йўқлигини қатъият билан таъкидлаш керак.

Аслида, бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Лекин шундай одамлар ҳам топилишини назарда тутиб, биз бу ҳақиқатни яна бир бор такрорлашга мажбурмиз.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслигимиз зарурки, терроризмга қарши кураш — бу бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Чунки башарият тақдирига дахлдор бўлган ушбу масалани охирига етказмасдан туриб, бу даҳшатли офатни бутунлай йўқ қилмасдан туриб, бу курашни тўхтатиб бўлмайди.

Муҳтарам депутатлар!

Энди ижозатингиз билан халқаро терроризмга қарши кураш масаласига давлатимизнинг муносабати ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга яхши маълумки, бу масала бўйича бизнинг аниқ қарашимиз ва позициямиз шу йил 5 октябрда эълон қилинган Баёнотда, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда ўз ифодасини топган.

Ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз бундан етарлича хабардор.

Бунга қўшимча қилиб фақат шуни айтиш мумкинки, агар 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган фожиали воқеалар жаҳон харитасидаги кўпчилик давлатлар учун кутилмаган, даҳшатли ҳодиса бўлган бўлса, биз бу бало-қазо билан анча илгаридан буён тўқнашиб келамиз.

Ўзбекистон террорчиликнинг жирканч қиёфасини ўз остонаси, ўз ҳудудида аввалроқ кўриб, бутун дунё аҳлини огоҳлантиргани, бу офатнинг олдини олиш энг долзарб муаммога айланиб кетаётганига даъват этиб, кўп-кўп мурожаатлар қилганини жамоатчилигимиз яхши билади.

Агар терроризм бугун бизнинг юртимизга таҳдид солиб турган бўлса, эртага у вабо каби бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиб кетиши, бошқаларнинг ҳам уйини ёндириши, агарки, Худо кўрсатмасин уларнинг қўли кимё ва бактериологик ёки ядро қуролига етиб борса, жаҳон миқёсида ўлчаб бўлмайдиган талофатлар етказиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта бонг урганимизни бугун эслатиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Биз, қаерда бўлмасин — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, бошқа халқаро анжуман ва учрашувлар, сиёсий чиқишлар бўладими — ҳамма жойда, эй одамзот, бу балои азимга бепарво бўлиш мумкин эмас, унинг миллати, дини, чеки-чегараси йўқ, деб бу масалага халқаро жамоатчилик эътиборини қаратишга доимо ҳаракат қилиб келдик.

Лекин, минг афсуски, жаҳон ҳамжамияти, кўплаб ривожланган давлатлар ҳам бу хавфга ўз вақтида етарли баҳо бера олмади.

11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган даҳшатли фожиалардан кейингина бу балони туғдираётган, унинг ҳақиқий раҳнамоси бўлмиш, халқаро майдонда жойлашиб олган экстремистик марказларни таг-томири билан яксон қилиб ташлашдан бошқа илож йўқлигини англаб етган халқаро жамоатчилик, энг муҳими, дунёдаги энг қудратли давлат — Америка Қўшма Штатлари шу курашга азму қарор қилганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, ҳозирги кунда кўпгина давлатларнинг раҳбарлари бу масала бўйича Ўзбекистон билдирган ташаббус ва даъватларни эслаб, уларнинг ўз вақтида айтилган ўринли огоҳлантириш бўлганини эътироф этмоқда.

Ўзбекистон нафақат ўз халқининг тинчлиги учун, балки она сайёрамиздаги миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳушёрликка чақирганини дунёнинг етакчи сиёсатчилари, давлат арбоблари кеч бўлса ҳам тан олмоқда ва давлатимизнинг ана шундай мураккаб вазиятда, ҳар қандай конъюнктура ва иккиланишдан холи бўлган сиёсатига ҳурмат ва эҳтиромини билдирмоқда.

Бундай муносабат ва тан олишнинг тасдиғини охирги икки-уч ой мобайнида мамлакатимиз раҳбарияти ва вакиллари билан — Ўзбекистонда бўладими, Европа, Япония ёки Америка Қўшма Штатлари ёхуд бошқа мамлакатда бўладими — ўтказилаётган турли учрашув ҳамда музокаралар мисолида кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ўз мустақил позицияси, бу борадаги ирода ва қатъиятига дунё жамоатчилиги муносиб баҳо бераётгани, бундай ҳаққоний муносабат халқаро майдонда мамлакатимизга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг янада ошишига сабаб бўлаётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Азиз юртдошлар!

Энди Афғонистон ва унинг атрофида икки ойдан буён давом этаётган аксилтеррорчилик ҳаракатлари натижасида вужудга келган аҳвол ҳақида қисқача ахборот бериб ўтмоқчиман.

Бугунги вазият жамоатчилигимиз, халқимизга телевидение, матбуот орқали берилаётган хабарлардан маълум бўлса-да, мен, фурсатдан фойдаланиб, бу масалага Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматининг муносабати ҳақида сизлар билан фикр алмашиб олмоқчиман.

Афғонистоннинг яқин тарихида содир бўлган фожиали воқеаларни эсласак, барчамизга аёнки, "Толибон" ҳаракатининг ғолибона юриши 1996 йилда Кобулни ишғол қилишдан бошланган эди. Ўша пайтда толиблар мамлакатнинг қарийб 95 фоиз ҳудудини тез фурсат ичида эгаллаб олгани маълум.

Лекин бу билан Афғонистондаги вазият ижобий томонга ўзгармади, уруш, турли сиёсий кучлар ва этник қатламлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар тўхтамади, жафокаш афғон халқининг чексиз азоб-уқубатлари, қурбонлар бериши давом этаверди.

Агар бугун Афғонистонда аксилтеррорчилик операциясининг боришини, "Толибон" ҳаракатига қарши курашни кузатиб, хулосалар чиқарадиган бўлсак, шу йил 9-10 ноябрда Шимолий иттифоқ кучлари томонидан Афғонистоннинг шимолий маркази бўлмиш Мозори Шариф ишғол қилинганини, кейинги қисқа вақт ичида эса мамлакат ҳудудининг аксарият қисми толиблардан озод этилганини кўрамиз.

Қисқа қилиб айтганда, бугунги кунда Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар тугалланиш арафасида экани ва улар мамлакат жанубида, Кандаҳор атрофида давом этаётгани кузатилмоқда.

Афғонистон харитасидаги аҳволнинг бундай кескин ўзгаришини таҳлил қилмоқчи бўлсак, бунинг асосий сабабларини бир қанча омилларда кўришимиз мумкин.

Шу кунларда Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, халқимизнинг "Ёв қочса, ботир кўпаяр", деган бир мақоли ёдга тушади. Ва мазмунан шунга яқин бўлган "Ғалабанинг отаси кўп бўлади", деган нақлни ҳам эслаб ўтсак, менимча, ўринли бўлади. Яъни, кейинги пайтда Афғонистон ҳудудида бўлаётган ўзгариш ва жараёнларни ўзича таҳлил қилувчи ва улардан турли-туман хулоса чиқарувчилар сони кўпайиб бораётганини табиий бир ҳол сифатида қабул қилишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Лекин, бу воқеалар ва ўзгаришлар қайси томонга бурилишидан қатъи назар, биз ўзимизнинг холисона қарашларимизда қатъий туришимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Шуни инобатга олиб, Афғонистонда сўнгги вақтларда рўй берган воқеаларни баҳолар эканмиз, аввало, бу мамлакат ҳудудини "Толибон" кучларидан озод этишда нималар, қандай омиллар муҳим ўрин тутди, деган саволга жавоб топишимиз, бунда қуйидаги сабабларга алоҳида эътибор қаратишимиз керак, деб ўйлайман.

**Биринчидан.** Аксилтеррористик коалиция тарафидан ўтказилган кучли таъсир натижасида Покистон томонининг "Толибон" ҳаракатига ҳарбий ёрдам беришдан воз кечгани ва шу тариқа мамлакат ҳудудидан Афғонистонга ўтиб, жангларда қатнашмоқчи бўлган жангариларга йўл берилмагани, бу оқимнинг тўхтатиб қолиниши "Толибон" ҳаракатининг қисқа вақтда мағлубиятга юз тутганига сабаб бўлди, дейишга кўпгина асослар бор.

**Иккинчидан.** Юқорида зикр этилган таъсир туфайли Форс кўрфази атрофида жойлашган мамлакатларнинг "Толибон" ҳаракати билан бўлган алоқаларидан воз кечгани ва очиқ айтишимиз керакки, "Толибон" ҳаракатига сўнгги дамларгача экстремистик марказлар томонидан кўрсатилаётган катта миқдордаги молиявий ёрдамнинг чекланиши ҳам бу жараёнда муҳим аҳамият касб этди.

**Учинчидан.** Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчилари томонидан, аввало, ҳарбий ҳаво кучлари томонидан "Толибон" жангариларига қарши кескин зарбалар берилиши, бунинг натижасида толибларнинг аэродром ва ҳарбий самолётлари, оғир ҳарбий техникаси, асосий базалари, қурол-яроғ, ёқилғи омборларининг ишдан чиқарилиши, шу тариқа улар ўзининг асосий ҳарбий қудратидан маҳрум бўлиши ҳам катта роль ўйнади.

**Тўртинчидан.** Афғонистондаги Шимолий иттифоққа берилган ёрдам ҳисобидан улар ўз ҳарбий куч-қудратини қайта тиклаб олгани ва жанговар ҳаракатларни шиддат билан олиб боргани ҳам бу борада ҳал қилувчи омил бўлди.

Агарки, мазкур жараёнлар ва эришилган ютуқларга бундан ҳам чуқурроқ қарайдиган бўлсак, Афғонистон харитасида содир бўлган ўзгаришларнинг **энг муҳим сабабини, ўйлайманки, афғон халқининг "Толибон" ҳаракати зулми ва зўравонлигидан чарчаганида, бу ўзгаришларни ижобий кутиб олганида кўришимиз табиийдир.**

Шу нарса аниқки, афғон халқи бундай ўзгаришларни хайрихоҳлик билан кутиб олмаса ва, керак бўлса, бу жараённинг асосий иштирокчисига айланмаса, бугун биз кўриб турган натижаларга эришиш жуда қийин бўлар эди.

Вужудга келган ҳозирги вазиятнинг яна бир жиддий сабаби борки, буни ҳам диққат-эътиборимиздан четда қолдирмаслигимиз керак. У ҳам бўлса, халқаро жамоатчиликнинг терроризмга қарши эълон қилинган курашда кўрсатаётган эътибори ва қатъияти, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Агар барча кузатувчилар мана шу мезон ва омиллар Афғонистонда рўй берган бугунги ўзгаришларга асосий сабаб бўлиб, ҳал қилувчи таъсир ўтказганига холисона қараб баҳо берса, юқорида айтилган хулосаларни эътироф этиши муқаррар.

Шу борада жиддий бир масалага эътиборингизни тортмоқчиман. Яъни, Афғонистонда Шимолий иттифоқ олиб бораётган кураш ва жанговар ҳаракатларни мамлакат ҳудудини толиблардан озод қилишдаги яккаю ягона куч, деб таърифлаш ва шу аснода тегишли хулосалар чиқариш, ўртага маълум бир талаблар қўйиш — бу ҳам бирёқлама қараш бўлур эди. Холисона қарайдиган бўлсак, толибларнинг зулм ва ҳукмронлигидан афғон ерининг озод қилиниши — бу Афғонистон ҳудудида мавжуд барча, такрор айтаман, барча кучларнинг ҳамда Афғонистон чегарасидан ташқарида бўлган қудратли кучларнинг ҳаракати ва ёрдами натижасидир, деб қабул қилсак, хато бўлмас эди.

Ана шу хулосалар билан боғлиқ яна бир масала борки, уни ҳам эътиборимиздан соқит қилиб бўлмайди. Яъни, Афғонистон пойтахти Кобулга Шимолий иттифоқ ҳарбий кучларининг кириб бориши билан худдики Афғонистонда жанговар ҳаракатлар ниҳоясига етказилди, мана энди қонуний афғон ҳукумати Кобулда ўз фаолиятини бошлади, шу билан афғон фожиасига якун ясашга замин туғилди, деб фараз қилиш, ўйлайманки, бу ҳам ўта хомхаёл бўлур эди.

Ва бундай қарашлар афғон ҳудудида мавжуд бугунги вазиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлишини, бунинг оқибатида бир-бирига қарама-қарши турган ҳудудий, этник ва диний кучларнинг эртага яна ҳарбий ҳаракатларни авж олдиришини кутиш мумкин. Чунки Афғонистон кўпмиллатли, турли элатли давлат эканини унутмаслигимиз керак.

Бу ўлканинг кўп асрлик тарихини инобатга оладиган бўлсак, вазият шу тупроқда яшаётган турли ҳудуд, миллат, элат ва диний эътиқодга мансуб барча аҳоли қатламларининг манфаатини тўлиқ ҳисобга олмаслик қанча-қанча хунрезлик ва салбий оқибатларга олиб келганини ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини талаб қилади.

Агарки, Афғонистон можаросига дахлдор бўлган барча давлатлар ва уларнинг раҳбарлари бу заминда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топишини ҳақиқатда ҳам истаса, шунинг тарафдори бўлса, улар, аввало, Афғонистон ҳаётига тааллуқли мана шундай мезон ва омилларни ҳисобга олиши ва ҳар қандай бирёқлама, саёз қарашлардан воз кечиши даркор.

Сўнгги йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида Афғонистон ҳудудида давом этиб келаётган қонли воқеаларнинг илдизига етиб бормоқчи бўлсак, ҳеч кимга сир эмаски, бу фожиа Афғонистон давлати тарихига, афғон халқининг менталитетига, яъни турмуш ва тафаккур тарзига, унга хос бўлган хусусиятлар ва аломатларга менсимай қараш туфайли юз берганини кўрамиз.

Бутун бошли бир мамлакатни, халқни қонга ботирган хунрезлик, аввало, бу нозик масалага мана шундай саёз қарашлар ва яна бир бор айтаман, афғон тарихидан чиқадиган хулосаларни менсимаслик ва писанд қилмаслик оқибатида вужудга келган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Келинг, ўзимизнинг яқин тарихимизда бошимиздан кечирган баъзи воқеаларни бир эслайлик.

Етмишинчи йилларнинг охирида собиқ СССРнинг кексайиб, мункиллаб қолган раҳбарлари узоқни кўролмасликлари, калтабинлиги натижасида ўта хатарли, ҳеч кечириб бўлмайдиган қарор қабул қилиб, 280 миллионли халқнинг боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлди.

Улар, мавжуд вазиятни сохталаштириб, уни ўзларича талқин қилиб, Афғонистонда ҳам совет социалистик тизимини ўрнатамиз, деб аҳмоқона ҳаракатларни бошлади.

Шу мақсадда Афғонистонда ҳокимият тепасига ўзлари кўтариб қўйган Нурмуҳаммад Тараккий ёки уни ўлдириб жойини эгаллаган Ҳафизулла Амин бўладими, Аминни йўқ қилиб, ўрнига келтирилган қўғирчоқ раҳбар Баббрак Кармал ёки генерал Нажибулла бўладими, хуллас, уларнинг барчаси билан қалтис ва нопок ўйинларни бошладилар.

Ўша даврда Политбюрода ўтирган қари "доҳий"лар ўз ниятларига эришиш йўлида Афғонистон тахтига ўтқазилган мана шундай шахслар ва уларнинг атрофида тўпланган кучларга, турли ўйинчиларга ёрдам бериш, уларнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва чўзишга ҳар томонлама ҳаракат қилди, қанча-қанча куч ишлатди.

Бу эса жафокаш афғон халқини чексиз ҳалокатларга дучор этди, беҳисоб қурбонлар беришига олиб келди, собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар ва халқларнинг азоб-уқубатларига, айрилиқларига, ёш йигитларнинг ҳалок бўлишига, мамлакатнинг оғир талофатлар кўришига, керак бўлса, СССРнинг ўзи охир-оқибатда инқирозга учрашига сабаб бўлганини эслашимиз ўринли, деб биламан.

Муҳтарам дўстлар, халқимизда доно бир мақол бор, яъни "Кўр ҳассасини бир марта йўқотади". Шундай экан, айтинглар, шу каби хато ва даҳшатли фожиаларга яна йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз борми?

Йўқ ва асло йўқ.

Барчамизга аён бўлиши керакки, бугун Афғонистон майдонида бир-бирига қарши турган кучлар — улар ҳудудий, этник ва диний гуруҳ ёки қатламлар бўладими — бир-биридан ўч олишга, ҳар хил шартлар ёки ўзини устун қўйиш йўли билан эмас, аксинча, бир-бирининг ўзаро талаб ҳамда манфаатларини тан олиб, тил топишишга интилиши ва аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолиги ва воситачилиги асосида қандайдир келишувга эришиш йўли билан бу заминда тинчлик ўрнатиш мумкин.

Акс ҳолда, бугун Афғонистон муаммосини ечишда қизиқиш билдираётган, очиқроқ айтадиган бўлсак, бундан манфаатдор бўлган ҳар қайси кучли давлат бу мамлакат ҳудудидаги ўзи ҳомийлик қилаётган кучларни қўллаб-қувватлайверса, уларни қурол-яроғ билан таъминлашни тўхтатмаса, моддий-молиявий кўмак бераверса, уларни бир-бирига қарши гиж-гижлашдек хунук ҳаракатлар давом этаверса, кенг қамровли коалиция асосида ҳукумат тузилиши у ёқда турсин, бу жафокаш заминда тутаб ётган уруш гулханини ўчириб бўлмайди.

Бинобарин, бизнинг чегарамиздаги уруш ҳам тугамайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз ва ундан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 15 ноябрда қабул қилган резолюциясида Афғонистоннинг янги, вақтинчалик маъмурияти ва бўлажак ҳукумати кенг коалицион асосда тузилиши, яъни унинг таркибида афғон диёрида истиқомат қилаётган барча ҳудудий, этник ва диний гуруҳларнинг вакиллари бўлиши, бу ҳукумат қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда тинчлик ва яхши қўшничилик тамойилларига амал қилиши ва халқаро нормаларга итоат қилиб яшаши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Лўнда қилиб айтганда, нафақат Афғонистон атрофида жойлашган қўшни давлатлар учун, ўйлайманки, онгли ҳаёт кечираётган барча халқлар учун тинч-тотув яшайдиган, бетараф бўлган ва барқарор ривожланиш йўлидан борадиган янги Афғонистон керак.

Шунингдек, бу ҳужжатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши барча аъзо давлатларни бугун азоб чекаётган афғон халқига, уй-жойидан ажралган қочоқларга кўрсатилаётган гуманитар ёрдамни кучайтиришга даъват этди.

Ўзбекистон афғон заминидаги қонли тўқнашувларнинг тезроқ барҳам топишидан энг манфаатдор бўлган мамлакат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини яна бир марта мана шу минбардан туриб таъкидламоқчиман.

Дарҳақиқат, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, йигирма йиллик уруш туфайли вайрон бўлган иқтисодиётни оёққа турғизиш, ер билан теп-текис бўлиб ётган шаҳар ва қишлоқларни, бино ва турар-жойларни тиклаш мақсадида маблағ йиғиш, керак бўлса, халқаро жамғарма тузиш, энг муҳими, бу мамлакатда яшаётган барча одамларда ўз юртининг келажагига ишонч уйғотиш, аҳолига, афғон халқига бу бошбошдоқлик, зулм ва қатағонлар тугайди, деган кафолатни бериш ҳозирги кунда энг муҳим вазифага айланмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига асосланиб, куни кеча Германиянинг Бонн шаҳрида бўлиб ўтган, Афғонистонда бугун намоён бўлган маълум сиёсий ва ҳарбий, ҳудудий, диний кучларнинг ("Толибон" бундан истисно, албатта) кенгашида эришилган келишув ва қарорларни жафокаш афғон заминида барқарорлик ўрнатиш йўлидаги биринчи қадам, деб қабул қилсак, хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Барчангизга маълумки, Ўзбекистон бу хайрли ишга, яъни Афғонистон минтақасида тинчлик ва осойишталик ўрнатишда, аввало, гуманитар ёрдамларини беришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти — Термиз орқали қиш арафасида оғир аҳволга тушиб қолган афғон халқига мунтазам равишда кўплаб инсонпарварлик ёрдами етказиб берилмоқда.

Шуни айтишим лозимки, бу борада биз фақат юкларни ўтказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, бундай савоб иш учун ўз имкониятларимизни ҳам ҳеч қачон аямаймиз.

Ҳурматли депутатлар!

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги вақтда Афғонистон ҳудудида бир қарашда ҳарбий ҳаракатлар якунланаётгандек туюлса-да, аҳвол ҳали-ҳануз кескин эканини, аниқроқ айтганда, мураккаб вазият сақланиб қолаётганини англашимиз мумкин. Ва бугунги кўпгина минтақалардаги мавжуд вазият, қолаверса, бутун курраи заминдаги аҳвол кескин ва нотинч бўлиб турганини ҳеч қачон эътиборимиздан соқит қилмаслигимиз даркор.

Шунинг учун нафақат яқин атрофимизда, балки узоқ-яқин ҳудудларда содир бўлаётган воқеаларни ҳам синчиклаб ўрганиб, улардан тўғри хулоса чиқариш, улар кимнинг манфаатига жавоб беришини, бу ҳаракатлар замирида бир қарашда кўзга ташланмайдиган қандай пинҳона мақсадлар ётганини чуқур таҳлил қилишимиз зарур.

Чунки бу воқеалар Ўзбекистонимизга, унинг келажагига, юртимиз хавфсизлигига, бир сўз билан айтганда, бизнинг миллий манфаатларимизга қандай таъсир қилишини англаб, сезгир бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу маънода, бугунги вазият билан боғлиқ, нафақат Афғонистон, умуман, терроризмга қарши кураш атрофида намоён бўлаётган айрим воқеа ва қарашлар, лўнда қилиб айтганда, баъзи бир ўйинлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Бугун дунёдаги барча соғлом фикрли одамлар 11 сентябрдан кейин халқаро терроризм балосига қарши коалицияга бирлашган қудратли давлатлар ва кучларнинг қатъияти ҳамда улар бу қатъиятни ушбу курашнинг охирига қадар сақлай олиши нечоғли муҳим эканини тобора чуқур англамоқда.

Ҳозирги вазиятда бу коалиция ўзининг ана шу позициясида қанчалик изчил туриши, унинг қатъиятига қандайдир тортишув ва манфаатлар, сиёсий ўйинлар аралашиб қолмаслиги ўта муҳим ва нозик масала бўлиб қолмоқда.

Биз нима учун бунга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлаймиз? Бу борада Ўзбекистоннинг манфаати нималардан иборат?

Мухтасар қилиб айтганда, биз Афғонистонда янги ҳукумат тузиш атрофида бошланган тортишув ва сиёсий можаролар авжига чиқиб, терроризмга қарши кураш масаласи эса четда қолиб кетишини, оқибатда Ўзбекистон яна ўз чегарасида бу мудҳиш хавф билан юзма-юз бўлиб қолишини сира ҳам истамас эдик.

Шу нуқтаи назардан қараганда, атрофимизда бўлаётган воқеаларга доимо сезгир бўлиб туришимиз зарур.

Бу борада сиз, халқ ноибларининг эътиборини яна бир масалага тортмоқчиман.

Гап шундаки, бугун баъзи сиёсий кучлар, давлат, жамоат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларини, аваламбор, узоқ-яқинимиздаги айрим давлатларни, Ўзбекистон ажратиб берган аэродромда Америка Қўшма Штатлари ҳарбийларининг жойлашгани ва шу аэродромнинг кейинги тақдири кўпроқ безовта қилмоқда.

Улар, Америка ҳарбийлари бу ерда доимий қоладими ёки вақтинчаликми, умуман, бу ҳарбий кучларнинг эртанги режалари нимадан иборат, деган мазмундаги ўз қарашларини баён этмоқда, бу борада кўплаб миш-миш ва уйдирмаларни тарқатмоқда.

Мен ана шундай ташвишда юрганларнинг мушкулини осон қилиш учун бу масала хусусида аниқ фикримни билдирмоқчиман.

**Биринчидан,** Америка Қўшма Штатлари бу аэродромни қандай мақсадлар учун ишлатиши ва қандай чегаралардан чиқмаслиги ҳақидаги барча саволларга Ўзбекистон билан ушбу мамлакат ўртасида тузилган ҳуқуқий ҳужжатда жавоб борлигини айтиб ўтмоқчиман. Бинобарин, бу борада бошқа тахмин ва гумонларга асос йўқ.

**Иккинчидан,** табиийки, ўзини мустақил ва суверен, деб ҳисоблайдиган ҳар қайси давлат ва унинг ўз халқи олдида жавоб берадиган раҳбари давлат, жамият ва халқ манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Яна бир бор қайтариб айтишга мажбурман — бу масала бўйича қабул қилинган қарор замирида фақатгина Ўзбекистон манфаати, унинг эртанги тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигини сақлаш манфаати турибди.

Шу ўринда олдин ҳам матбуот саҳифаларида билдирган бир фикримга яна қайтмоқчиман.

Давлатимизнинг сиёсати ва ҳаракатларига алоҳида кўз билан қарайдиган баъзи бир газеталар Ўзбекистонни кеча оға бўлган давлатлардан узоқлашиш мақсадида океан ва денгиз сувларида ўз ҳолича сузиб юрган муз тоғига ҳам ўхшатган эди.

Бу борада шуни қатъий айтишим керакки, агар қиёслаш керак бўлса, Ўзбекистонни қандайдир муз тоғига эмас, балки йўли, борар манзили аниқ, рули ва елканлари мустаҳкам бўлган, салобатли ва бақувват кемага ўхшатиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлар эди.

Бу кеманинг қайси жойда қандай сузишни белгилайдиган командаси — ҳукумати ва фидойилари бор, аниқ ва пухта режаси бор, бу режаларни амалга оширадиган етакчиси бор.

Ҳар қандай кўзи очиқ, беғараз одам буни кўрмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон ўз манфаатларига мос йўлдан бормоқда. Биз учун халқимиз, давлатимиз, тинч-тотув ҳаётимиз, келажак авлодларимиз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад йўқ.

Шунинг учун бу масала атрофида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу хусусда ҳар хил бўҳтон ва уйдирмаларни тўқиб чиқараётганлар овора бўлади. Агарда бирор кишида бу борада яна савол пайдо бўлса, уларга менинг мана шу сўзларим жавоб бўлиши мумкин, деб ўйлайман.

Биз ўз танлаган йўлимиздан собитқадамлик билан борар эканмиз, нафақат бугунги, аввало, эртанги кунимиз қандай бўлиши, фарзандларимизнинг қандай ҳаёт кечиришини, уларнинг ёруғ келажагини ўзимизга аниқ тасаввур қилиб, режаларимизни шу асосда тузишимиз зарур.

Бунда бизнинг дунё ҳамжамияти, жаҳондаги етакчи давлатлар билан барча соҳалардаги ҳамкорлигимиз муҳим роль ўйнаши табиий, албатта.

Хусусан, ҳеч кимга сир бўлмаслиги лозимки, мамлакатимизнинг дунёдаги энг қудратли давлат бўлмиш Америка Қўшма Штатлари билан узоқ ва давомли, ўзаро манфаатли алоқалар ва муносабатлар тузишига нима ва ким қарши чиқиши мумкин?

Аввало, биз учун муҳим муаммо бўлмиш хавфсизлик масаласида кафолатлар олиш, эртанги озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишимизда, шу мақсадларга эришиш учун демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини қуришда, бозор ислоҳотларини охиригача етказишда кўмак ва ҳамкор топиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини мамлакатимиздаги бирон бир сиёсий куч ёки аҳолимизнинг қатламлари ва уларнинг вакилларига исбот қилиб бериш зарурати борми?

Бу борада қўяётган қадамларимиз ва бугун матбуотда эълон қилинган Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан, аввало, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимизда демократик ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ислоҳотларнинг самарасини ошириш мақсадида ҳамкорликни кенгайтириш ва кучайтириш ҳақидаги имзоланган ҳужжатлар бу масалани шу тариқа ортиқча изоҳлаб ўтиришга зарурат қолдирмайди, деб ўйлайман.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Барчамизни ташвишга солаётган, сиёсатдан, ҳар хил сиёсий ўйинлардан узоқ бўлган, оқни оқ, қорани қора, деб биладиган кўплаб содда одамларни чалғитишга қаратилган яна бир масала борки, биз унга ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак.

Яъни, ўлим талвасасига тушиб қолган террорчиларнинг одамларни алдаш, уларнинг онгини бузғунчи ғоялар билан заҳарлаш, керак бўлса, оқни қора деб кўрсатишга уринишларини, уларнинг бу йўлда ҳар қандай қабоҳат ва разилликдан ҳам тап тортмаслигини биз доимо ёдда тутишимиз зарур.

Бунинг хавфли томони шундан иборатки, инсон қиёфасини йўқотган, қўли қон террорчилар ва уларнинг "доҳий"лари мўмин-мусулмонларнинг соддалигидан, диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, ўз жиноятикорона қилмишларини ислом дини номидан хаспўшлашга интилмоқда.

Бундай кучларнинг маккор тарғиботчилари нафақат Афғонистон, балки бошқа кўплаб давлатларда ҳам жойлашиб олиб, бугунги кунда терроризм марказларига берилаётган зарбаларни барча мусулмонларга қарши, ислом динини бутунлай йўқ қилишга қаратилган уруш, деб жар солмоқда.

Шунинг учун, такрор айтаман, бугун атрофимизда рўй бераётган воқеалар, хусусан, Афғонистондаги вазиятни инобатга оладиган бўлсак, кенг жамоатчилигимизнинг асосий бурчи халқимизни, одамларнинг онгу тафаккурини, биринчи галда ана шундай ёлғон ташвиқот, ғаразли уйдирма ва мишмишлар таъсиридан асраш бўлмоғи лозим.

Мен хаёлан яна ва яна ўта муҳим бир масалага қайтаман. Ва шу масалани бугун ойдинлаштириш зарур, деб ўйлайман.

Агар мендан бугунги ғоят мураккаб, таҳликали бир вазиятда ўзимизни, юртимизни ҳимоялаш учун, одамларимизнинг, миллатимиз ва халқимизнинг онгини, тафаккурини ёвуз таъсир ва чалғитишлардан асраш учун нима қилиш керак, бу борадаги энг муҳим вазифа нимадан иборат, деб сўраса, мен, энг аввало, дину диёнатимизни, унинг софлигини асрашимиз зарур, деб айтган бўлардим.

Кимга қандай туюлмасин, бугун динимизнинг асл моҳиятини асраш, унинг маъно-мазмуни нақадар пок ва эзгу эканини, дин биз учун асрлар давомида ўзлигимизни, миллатимиз, наслимизнинг энг яхши қадриятларини сақлаб қолишда буюк ҳаётбахш куч бўлиб келаётганини такрор ва такрор таъкидлашимиз, бу ҳақиқатни одамларнинг онгига сингдиришимиз даркор.

Айнан шунинг учун ҳам, бугун биз яна дину диёнатимиз ҳимояси йўлида қатъий туришимиз: "Эй ватандошлар, биродарлар, динимизни, иймонимизни асрайлик", деб, баланд овоз билан айтишимиз керак.

Агар биз бугун дину диёнатимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилмасак — шундай хатарни яқин тарихимизда ва бугуннинг ўзида ҳам бошимиздан кечирмоқдамиз — одамлар, айниқса, ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали етарли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машъум таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Бизнинг ислом динига бўлган ихлосимиз, эътиқод ва садоқатимизни бутун жаҳон аҳли кўриб-билиб турибди. Мен сўнгги йилларда юртимизда диний қадриятларни тиклаш, улуғ уламоларимизнинг муборак қадамжоларини обод қилиш, динимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш йўлида амалга ошираётган катта-катта ишларимизни эслаб ўтирмоқчи эмасман.

Лекин кейинги ўн йил мобайнида муқаддас Қуръони каримнинг она тилимиз — ўзбек тилида минг-минг нусхада икки марта нашр этилганининг ўзи ана шу эътиқод ва садоқатимизнинг яна бир исботи эмасми?

Бизнинг мана шу муборак заминимиздан номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ алломалар етишиб чиққани билан барчамиз фахрланамиз.

Айни пайтда, динни ниқоб қилиб олган жиноятчи тўдалар, қаллоб ва чаласавод кимсалар дунёга ана шундай мўътабар зотларни берган юртимизга, энг оғир замонларда ҳам Оллоҳни ҳамиша қалбида, юрагида сақлаб келган халқимиз шаънига турли бўҳтонлар ёғдиришдан тоймайди. Терроризмга қарши бошланган курашни бутун ислом динига қарши уруш, деб кўрсатишга уринаётган бу манфур кимсалар мусулмонларни ҳимоя қилиш керак, деган қабиҳ иғволарни тарқатишдан ҳам қайтмайди.

Шу муносабат билан мен айтмоқчиман: ҳа, бугун динимизни асраш керак, мўмин-мусулмонларни ҳимоя қилиш керак.

Лекин динимизни биринчи галда, ўзини "чин мусулмон" деб даъво қилаётган ана шу ёвуз кучлардан, ҳар қадамда жиҳод деб оғиз кўпиртириб, дин номидан бузғунчилик қилаётган қонхўр ва қотиллардан асраш керак.

Мусулмонларни ўз орамизда юриб, адоват ва низо уруғини сочаётган фирибгар одамлардан ҳимоя қилиш керак.

Кўп асрлик тарих шундан далолат берадики, динимизни ана шундай зарарли таъсирлар, кўпорувчи кучлардан ҳимоя қилиш зарурати ҳамма замонларда ҳам долзарб муаммо бўлган.

Биргина ўтган йили муборак таваллуд санасини нишонлаганимиз буюк мутафаккир бобомиз Имом Мотуридийнинг дини ислом моҳиятини бузиб талқин қиладиган турли оқимлар ва уларнинг намояндаларига қарши қандай матонат ва маърифат билан курашганини эслайлик.

Ҳидоят йўлини асраш ва авайлаш кераклигига даъват этган бобомиз Имом Марғиноний насиҳатларини эслайлик.

Хўш, айтинглар, азиз дўстлар, биродарлар, юртимизда яшаб ўтган, динимиз ривожига унутилмас ҳисса қўшган ана шундай улуғ аждодларимизнинг бебаҳо мероси, ўлмас асарларида бирон-бир ғаразли фикр борми?

Дин номидан фитна қўзғашга, одамларнинг уй-жойини бузиш, мол-мулкини талашга, уларни қувғин қилишга, ўлдиришга даъват борми?

Ислом тафаккури, ислом фалсафаси, ислом маданияти марказлари деганда барча мусулмонларнинг кўз олдига, энг аввало Маккаю Мадина, Бағдод ва Дамашқ, Қоҳира ва Машҳад, Самарқанду Бухоро каби кўпгина табаррук масканлар келиши табиий.

Лекин бугун ўзи уя қуриб олган тоғу тошларни ислом маркази деб даъво қилаётган террорчи газандаларнинг сурбетлиги шу даражага етмоқдаки, уларнинг бошлиғи ўзини, нима эмиш, "амирул-мўминин", яъни ер юзидаги барча мусулмонларнинг амири, подшоси, деб эълон қилибди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: дунёдаги бир ярим миллиарддан ортиқ мусулмон номидан гапиришга ким уларга ваколат ва ҳуқуқ берибди?

Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Қуръони карим нозил бўлган муқаддас замин — Саудия Арабистони подшоси ҳам хокисорлик билан ўзини икки муқаддас масжиднинг ходими, хизматчиси деб атайди-ю, зоти зурриёди, насл-насабининг тайини йўқ аллақандай кимсалар бутун мусулмон умматига раҳнамолик даъво қилади?

Келинг, азиз дўстлар, бир зумга мен ўзимни Президент эмас, сизлар ҳам депутат эмасмиз, деб тасаввур қилиб кўрайлик.

Ҳаммамиз ҳам, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз. Мана шундай қабиҳ кучлар муқаддас туйғуларимизни оёқости этса, кундузи дину диёнатимизга туҳмат қилса, бунга бепарво қараб, бефарқ бўлиб ўтиришга бизнинг ҳаққимиз борми? Кўксида озгина виждони, иймони бор ҳар қандай одам бундай ярамас ишларни кўрганда ўз-ўзидан ёниб кетмайдими?

Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб ва таҳликали бир пайтда ҳақиқатни ёлғондан, дўстни душмандан ажратиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бу борада жамиятимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Биз муҳтарам руҳонийларимиз, имом-хатиблар халқимиз ўртасида динимизнинг асл моҳиятини очиб бериш учун олиб бораётган ишларни яхши биламиз. Лекин улар дину диёнатимизни асраш учун фақат жума намозларидагина эмас, ҳар куни, доимий равишда даъват этсалар, ўйлайманки, бу Яратганимизга ҳам, унинг бандаларига ҳам мақбул бир иш бўлур эди.

Нега деганда, ислом дини номидан кўпорувчилик, бузғунчилик қилаётган кимсаларни жиловлаб қўйиш ҳар бир иймонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

Азиз ватандошлар!

Бугун Олий Мажлис номидан бутун халқимизга қарата қабул қилинаётган Мурожаатноманинг асосий маъноси ҳам шуки, у бизни, эй одамзот, кўзингни оч, ўзингни ўзинг ҳимоя қилмасанг, четдан келиб сени ҳеч ким ҳимоя қилмайди, дея огоҳ этади.

Шунинг учун эртанги ҳаётингни ўз қўлинг билан барпо этишинг керак, эккан ниҳолларинг мевасини, қурган уйларингнинг роҳатини, фарзандларинг камолини кўрай десанг, ёвузликка қарши курашмоғинг лозим, деган ҳақиқатни барчамизга яна бир бор эслатади.

Такрор айтаман: тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмоғимиз зарур.

Мен мана шу залда ўтирган халқ ноибларига, барча-барча инсонларга, улар орқали бутун халқимизга эсон-омонлик, куч-қувват ва омадлар тилайман.

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Парламент Ўзбекистон халқига Мурожаатни қабул қилди.

Сўнгра сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов маъруза қилди.

Маърузачи давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ўз вақтида илгари сурилган икки палатали парламентни шакллантириш ғоясини амалга оширишнинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда уни бошқа масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш билан бир пайтда ўтказиш зарурлигини қайд этди. Мамлакат олий қонунчилик органи ислоҳоти ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари такомиллаштирилган, умумий давлат сиёсатини юритишда аниқ ва ҳамжиҳат фаолият кўрсатган шароитдагина самара бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколати муддатини ўзгартириш жамиятимизнинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлаш, барча ҳокимият тузилмалари ваколатлари мувофиқлигига эришиш, миллий давлатчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарурати билан боғлиқ. Бу масалани ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва у мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш қонуниятларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш тўғрисидаги таклиф сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлик фракция ва блоклари, парламентнинг қўмита ва комиссиялари, кўплаб депутатлар ва мамлакатимиз фуқаролари томонидан билдирилди. Таклиф ҳар томонлама муҳокама этилгандан сўнг Олий Мажлис Кенгаши мажлисида маъқулланди. Парламент Раиси сессия мажлислар залида йиғилганлар, аввало, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборини шунга қаратдики, давлатимиз раҳбарининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш таклифи амалдаги Президент номи билан боғлиқ эмас. Шу боис бу масалани муайян шахс номи билан боғламаслик керак. Унга мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётига дахлдор умумдавлат миқёсидаги муҳим масала сифатида қарамоқ лозим.

Олий Мажлис Кенгашининг номидан ва унинг топшириғига биноан Э.Халилов депутатлар муҳокамасига икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари бўйича референдум ўтказиш таклифини ҳавола этди.

Бу таклифни парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси И. Ғофуров, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори — бошқаруви раиси А.Фармонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов қўллаб-қувватлади.

Бу масалаларни муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари икки палатали парламентни шакллантириш масаласи ҳаётнинг ўзидан, ҳокимият тармоқларини аниқ ажратиш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқаётганини таъкидлади. Парламентнинг икки палатали таркиби қонунларни яратиш жараёнининг сифатини, турли ижтимоий-сиёсий кучлар ва алоҳида ҳудудлар манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини узайтириш тўғрисида фикр билдирар экан, гап бу ўринда, аввало, айрим шахсларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият юритадиган, жамиятимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлайдиган самарали давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш ҳақида бораётганини таъкидлади. Фақат халққа таянадиган кучли ва адолатли ҳокимият элу юрт манфаатлари ва унинг муносиб келажагини кафолатлашга қодир.

Олий Мажлис 2002 йил 27 январда келгуси чақириқда икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари бўйича референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини депутатлар муҳокамасига ҳавола этди. Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Панаев ушбу масалалар бўйича қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжатини ва Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими А.Мажидов, Ўзбекистон Республикаси "Пахтабанк" акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Оқдарё туманидаги 2-ўрта мактаб директори Ж.Исроилов, Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг бош шифокори Т.Миродилов иштирок этди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджети ва Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатлар эътиборига Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳасини тақдим этди. Олий Мажлис Шаҳарсозлик кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатларга "Хўжалик ширкатлари тўғисида"ги ва "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини тақдим этди. Мазкур қонунлар лойиҳалари муҳокамасида "Совпластитал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасининг бош директори А.Мелкумов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў.Исмоилов, Олтинсой тумани ҳокими Р.Олимов иштирок этди. Парламент ушбу қонунларни ва уларни жорий этиш тартиби тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси бугун ўз ишини давом эттирди.

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Конституциямизнинг 9 йиллиги байрами арафасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов топширди.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан ижтимоий-иқтисодий, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва халқ таълими соҳасининг кўплаб ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эдилар. Фидокорона меҳнатлари ва ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари учун саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш ходимларидан бир гуруҳига орден ва медалларга мушарраф бўлди.

— Мен Президентимизга метросозларнинг меҳнатини юксак баҳолаганликлари учун миннатдорчилик билдираман, — дейди метроларни бунёд этиш дирекциясининг бошлиғи Георгий Вархатов. — Биз, қурувчиларнинг меҳнатимиз тақдирланаётганлигидан жуда мамнунмиз. Мукофот бизнинг халқ олдидаги масъулиятимизни янада оширади.

— Шу байрам кезларида ҳукуматимизга маънавият ва маърифатни юксалтиришга катта эътибор қаратаётганлиги учун чин дилдан ташаккур изҳор қиламан, — дейди Чилонзор тумани «Маънавият ва маърифат» марказининг раиси Муборак Тешабоева. — Юртимизда қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни тиклаш, авлодлар меросини сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Бажарилаётган ана шу вазифалар ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАРИ ТЎҒРИСИДА

26-30 ноябрь кунлари Вашингтон шаҳрида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича Ўзбекистон — АҚШ маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари Р. Азимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Миллий хавфсизлик кенгаши, Конгресс, Давлат департаменти, Молия, Мудофаа, Савдо, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Эксимбанк, Савдо ва тараққиёт агентлиги, Хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш корпорацияси ва АҚШнинг бошқа идоралари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Давлат котиби К. Пауэлл билан учрашув чоғида АҚШ томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга йўллаган мактуби топширилди.

Ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтган учрашувлар томонларнинг ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилишлари муштарак эканлигини кўрсатди. Бунда иқтисодий ва молиявий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг АҚШ томонидан янада кенгроқ қўллаб-қувватланишига алоҳида эътибор берилди.

Музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди. Шунингдек, Эсимбанк билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда Савдо ва тараққиёт агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, ташриф давомида Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикасининг ушбу етакчи халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

## МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ ҚЎШМА БАЁНОТИ

2001 йил 26-30 ноябрь кунлари Вашингтон шаҳрида Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикасининг юқори мартабали делегацияси Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан кенг ва изчил маслаҳатлашувлар ўтказди. Музокаралар мавзуини, аввало, молиявий ва иқтисодий масалалар ташкил этди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши халқаро коалицияни кенг қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий қарорига берган юқори баҳосини яна бир бор тасдиқлади. Икки томон ҳам ўзининг сифат жиҳатдан янги, узоқ муддатли муносабатларига содиқ эканини изҳор этди. Бу муносабатлар халқаро терроризмга қарши кураш, экстремизмнинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий манбаларини таг-томири билан йўқотиш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга доир муштарак мақсадларга асосланган.

Ўзбекистон томони мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар дастурини жорий операциялар конвертацияси билан бирга тезроқ амалга ошириш борасидаги қатъиятини тасдиқлади. Америка Қўшма Штатлари жаҳон иқтисодиётининг ўсишидаги пасайишнинг молиявий ва иқтисодий оқибатларини инобатга олиб, Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ушбу мақсадларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди.

## ТАДБИРЛАР

# Конституция — менинг ҳаётимда

**Конституциямизнинг кутлуғ 9 йиллик байрами арафасида жойларда сермазмун, қизиқарли анжуманлар, давра суҳбатлари, кечалар бўлиб ўтмоқда.**

**КЕЧА**

шаҳар 17-клиник касалхонасида Юнусобод тумани соғлиқни сақлаш тизими ходимлари иштирокида «Конституция — менинг ҳаётимда» мавзуида анжуман ўтказилди.

— Конституциямиз жамиятда фуқаронинг ҳуқуқлари устувор эканлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини мустаҳкамлаб қўйди, — деди жумладан йиғилганлар эътиборини Конституциямиз мазмун-моҳиятига қаратар экан Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Садриддин Хидиров. — Зеро, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини билган, Қонун устувор бўлган мамлакатдагина эркинлик бўлади. Бош Қонунимизнинг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, унда миллий хусусият ва анъаналар ўз аксини топган.

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар 2-юқумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори Малика Хўжаева, 17-клиник касалхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаббатхон Муҳаммадқуловалар ҳам туманда скрининг, саломатлик марказларининг очилгани, оила шифокори тизимининг тадбиқ этилаётгани — Конституция қоидаларининг ҳаётимиздаги татбиғи эканлиги, жамиятимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёл ва оила ҳуқуқларини таъминлашга қаратилаётган муҳим эътибор тўғрисида ўз фикрларини билдиришди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

* * *

**Тошкент Ислом университетида Республикамиз Конституциясининг 9 йиллиги муносабати билан университет аспирант ва ёш олимларининг исломшунослик муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирни университетнинг ўқув ишлари ва фан бўйича проректори А. Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

Маърузаларнинг мавзулари жуда долзарб бўлиб, улар диншунослик, исломшунослик, ислом манбашунослиги муаммоларига бағишланди.

Анжуман иштирокчилари ҳамда маърузачилар юртимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямиз берган имкониятларнинг самарасини таъкидлаб ўтдилар.

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ,**
**филология фанлари доктори.**

* * *

**БУГУН**

**Темурийлар тарихи Давлат музейида Тошкент Давлат юридик институти билан музей ходимлари ҳамкорлигида Конституциямизнинг 9 йиллигига бағишланган «Амир Темур давлати қонунчилигининг асосий тамойили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда «Адолат — Амир Темур давлатида асосий мезон», «Амир Темур тарихига оид манбаларда қонунчилик масалалари» ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

**Муҳаббат АБДУРАСУЛОВА**

* * *

**Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими, туман ижтимоий таъминот бўлими, Ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти туман бўлими ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 9 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирга меҳнат фахрийлари, 200 дан ортиқ ногирон ва кам таъминланган оила аъзолари, кексалар, 150 дан ортиқ болажонлар таклиф этилди. Улар тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбатлашдилар, Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида маълумотлар олдилар.

Тадбир давомида янграган куй-қўшиқлар, ҳомийлар томонидан берилган совғалар йиғилганлар кўнглини шодликка тўлдирди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида

# МЕМОРАНДУМ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати

икки давлат ўртасида мақсадларининг муштараклиги асосида халқаро терроризмга қарши кураш, экстремизмнинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий манбаларини йўқ қилиш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаш борасида сифат жиҳатдан янги, узоқ муддатли муносабатлар ривожланиб бораётганини юқори баҳолаган ҳолда;

икки давлат ўртасида сиёсий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда;

Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотларини изчил амалга оширишни таъминлаш муҳимлигини эътироф этиб ҳамда бу соҳаларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш лозимлигини қайд этиб;

Ўзбекистон Республикасининг ўз иқтисодиётини эркинлаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги интилишларига амалий ёрдам кўрсатиш заруратини англаган ҳолда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган умумий пасайиш ва бунинг, айниқса, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатаётган салбий таъсирини эътиборга олиб;

Ўзбекистонда валютани тартибга солишни эркинлаштириш мақсадидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда иқтисодий, молиявий, ижтимоий барқарорлик зарурлигини тушунган ҳолда;

2001 йил 26-30 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси ва АҚШ ҳукумати ўртасида бўлган музокаралар давомидаги самарали мулоқот руҳини, ўзаро ҳамжиҳатликни юқори баҳолаб,

қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида ўзаро келишувга эришди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:

Барқарорлик ва аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳлари манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиш заруратини инобатга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги қатъиятини таъкидлайди. Бу қатъият қуйидаги мақсадларда Халқаро валюта жамғармаси иштирокида бошқа халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорилк имкониятларини кенгайтириш учун ислоҳотларнинг ишончли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олади:

— жорий ҳисоб рақамлари бўйича миллий валютани бирхиллаштириш ва эркин айирбошланишига эришиш;

— макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш;

— савдо, божхона ва тарифларни тартибга солиш соҳаларидаги сиёсатни яхшилаш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлик жараёнини жадаллаштириш ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини босқичма-босқич интеграция қилиш;

— хусусийлаштириш, хусусий сармоя жалб қилиш, қонунчиликни кучайтириш, сармоядорларга қўшимча қулайликлар яратиш ва Ўзбекистоннинг бой минерал-хомашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлашда уларнинг иштирокини кенгайтиришдан иборат чора-тадбирлар қабул қилиш орқали инвестиция муҳитининг жозибадорлигини таъминлаш.

АҚШ Ҳукумати:

Қуйидагиларга тарафдорлигини билдиради:

— Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларга устуворлик мақоми бериб, Ўзбекистон Республикаси ва халқининг тараққиёти ҳамда гуллабяшнашини жадаллаштириш учун яқин ҳамкорликда ишлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармаси ҳамда бошқа халқаро молия институтлари билан муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

— жумладан халқаро молия институтлари бошқа донорларда мавжуд бўлган тегишли механизм ва воситалар доирасида Ўзбекистон Республикасига, биринчи навбатда, ижтимоий ва молиявий барқарорликни ҳамда келгуси йилларда иқтисодий ислоҳотларнинг энг қизғин даврида рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган ялпи молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш. Бундай қўллаб-қувватлаш, жумладан тўлов балансини барқарорлаштириш ва давлат бюджети учун бериладиган ёрдам АҚШда ва бошқа халқаро молиявий институтларда белгиланган қоида ва тартиблар асосида кўрсатилади;

— ўзининг ваколатли идоралари орқали Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор идоралари билан биргаликда АҚШ Экспорт-импорт банки (Эксимбанк)нинг амалдаги дастурларини кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Савдо вазирлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Хорижий хусусий инвестициялар бўйича корпорация (ОПИК), Савдо ва тараққиёт агентлиги (ТДА), Эксимбанк ва АҚШнинг бошқа молиявий, савдо, инвестиция ташкилотлари орқали амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида фаол иш олиб бориш;

— халқаро тузилмалар, шу жумладан Европа Иттифоқи, «Катта Еттилик» ва бошқалар томонидан молиялаш манбааларини кўпайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан биргаликда иш олиб бориш;

— касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни техник жиҳозлашга молиявий ёрдам бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга кўмаклашиш йўли билан инсон ресурсларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш;

— Ўзбекистон Республикасининг Амударё ҳавзасида икки йилдан бери давом этаётган қурғоқчиликнинг салбий таъсирини бошдан кечираётган ҳудудлари аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласини кўриб чиқиш;

— томонлар биргаликда белгилайдиган устуворликларга мувофиқ, тез орада, шу йилнинг ўзида қўшимча иқтисодий ва гуманитар кўмак ҳамда хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик учун умумий қиймати 100 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатиш;

— АҚШ Экспорт-импорт банкининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига кичик ва ўрта бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очиш кўзда тутилган молиявий механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— улар саъй-ҳаракатларини АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги орқали 2001 йилнинг 29 ноябрида Томонлар ўртасида имзоланган Меморандумда батафсил белгиланган қатор устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва кейинчалик ресурсларни сафарбар этишга қаратилган грантлар ажратилишига сафарбар этиш.

Томонлар қуйидаги соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва тартибга солишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олди:

— молиявий-иқтисодий;
— ҳарбий-техникавий;
— савдо-инвестициявий;
— гуманитар соҳа.

Томонлар юқоридагилар билан бир қаторда қуйидаги масалаларни кўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирди:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини қуйидаги устувор тармоқларида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун АҚШ Экспорт-импорт банки суғурталаши остида қўшимча кредитлар тақдим этиш:

— энергияни тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий этиш асосида генераторларни замонавийлаштириш орқали электр энергетикаси соҳасини равнақ топтириш;

— транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

— минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш;

— ўзаро манфаат келтирувчи бошқа йўналишлар.

2. Ўзбекистонга тўғридан-тўғри Америка инвестицияларини кўпайтириш, Хорижий хусусий инвестициялар бўйича корпорация (ОПИК)нинг инвестициявий лойиҳалар, йирик давлат корхоналарини хусусийлаштириш, кичик ва ўрта хусусий тадбиркорлик, халқаро туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги иштирокини кенгайтириш.

3. Ўзбекистон Республикасига АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлиги (ТДА) дастурлари доирасида қуйидаги йўналишларга қаратилган техник ёрдами кўламини кенгайтириш:

— инвестиция лойиҳалари, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги лойиҳаларда иштирок этувчи Америка компания ва банкларини Ўзбекистонга жалб этиш учун техник-иқтисодий асосларни биргаликда ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон товарларининг жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро сифат стандартлари ва экспорт маҳсулотини сертификатлашни жорий қилиш, маркетингнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш;

— энергия тежаш ва ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг иқтисодий жабҳасини кенгайтириш мақсадида мазкур Меморандумда келишилган барча масалалар устида қатъий, изчил ва мунтазам иш олиб боради. Бу масалалар келгуси музокаралар жараёнида уларнинг диққат-марказида бўлади.

Юқорида баён этилганларга мувофиқ Томонлар ўзаро англашув тўғрисидаги мазкур Меморандумга имзо чекди.

**30 ноябрь 2001 йил.**

# XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

## Мамлакатимизда

● Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон ҳамда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида ХХРнинг мамлакатимизга газ ўлчагичларни келтириши тўғрисидаги алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — олий қадриятлар кафолати» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ушбу мукофотга тавсия этилган номзодлар кўриб чиқилди.

● **Бугун** Чилонзор туманидаги маданият уйи кутубхонасида аҳолининг туман юридик маслаҳатхонаси ходимлари билан «Янги Оила кодекси» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Пойтахт вилоятининг Ховост тумани марказий шифохонаси ҳузурида функционал ташхис бўлими очилди.

● Республиканинг хусусий «Бизнес-банк»и ўз мижозларига янги хизмат кўрсатиш усулини жорий этди. Мижозлар эндиликда ўз ҳисобларидаги жамғармаларни «Интернет» орқали назорат қилишлари мумкин.

## Жаҳонда

● Шу йил 3-7 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Японияга ташриф буюрди.

● **Кеча** Минскда МДҲ мамлакатлари хавфсизлик кенгаши бошлиқларининг мажлиси очилди. Унда халқаро терроризм ва гиёвандлик савдосига қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

● **Кеча** Финляндиянинг давлат мустақиллиги 84 йиллиги санаси нишонланди.

● Россия Федерацияси Федерация Кенгаши мажлисида Санкт-Петербург қонунчилик йиғилишининг вакили Сергей Миронов кўпчилик овоз билан спикерлик лавозимига сайланди.

● Токиода Халқаро туристик ярмарка ўз ишини якунлади. Унда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Ўзбекистоннинг яна бир неча туристик компаниялари иштирок этди.

● Ниҳоят, Германиянинг Бонн шаҳрида ўтказилган БМТнинг Афғон форумида томонлар муросага келдилар. Музокаралар олиб бораётган тўртта афғон делегацияси чоршанбага ўтар кечаси 10 соат давом этган якуний босқичдан сўнг вақтинчалик ҳукумат борасида якуний келишувга эришди. 22 декабрда, яъни БМТ томонидан расман тан олинганидан сўнг ўз вазифасини бажаришга киришадиган вақтинчалик ҳукуматни аксилтолибон ҳаракатларида қатнашаётган отрядлардан бирининг командири Ҳамид Карзай бошқарадиган бўлди. Ташқи ишлар вазирлигини Абдулло Абдулло, ички ишлар вазирлигини Юнус Қонуний, мудофаа ишлари вазирлигини эса Муҳаммад Фахимжон бошқаради.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бонн анжуманида имзоланган битимни маъқуллади. Энди Афғонистондаги барча сиёсий кучлар анжуманда эришилган келишувлар асосида мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётни тиклашда фаол иштирок этмоғи лозим. БМТ бу ишда ўз ёрдамини аямаслигини билдирмоқда.

● Хорижий сафарда юрган АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Афғонистонга махсус вакил сифатида Жеймс Доббинсни жўнатажагини маълум қилди. У ўз ўринбосари Ричард Армитижга Афғонистоннинг янги маъмурияти бошлиғи Ҳамид Карзай ҳукуматига молиявий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш ҳақида кўрсатма ҳам берди.

● Толибларнинг диний раҳнамоси Мулла Муҳаммад Умар Қандаҳорни топширишга қарор қилди. Ана шу масала билан боғлиқ музокаралар муваффақиятли равишда ўтмоқда.

● Афғонистонда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар давомида Усама бин Лодиннинг «Ал-Қаида» ташкилоти бош иқтисодий ҳомийси Али Маҳмуд халоқ бўлган. Шунингдек, Усама бин Лодиннинг ўнг қўли ҳисобланадиган террорчи Айман аз-Завоҳирий ҳам Жалолободдаги ҳаво ҳужумлари пайтида жароҳат олган.

● Филиппин Президенти Глория Макапагал Арройо АҚШ ҳукуматидан Моро миллий озодлик фронти исёнчи гуруҳи раҳбари Нура Мисуарини халқаро террорчилар рўйхатига киритишни сўради. У мамлакат жанубидаги «Абу Сайёф» жиноий тўдаси билан яқин алоқада. Қолаверса, бу гуруҳни халқаро террорчи Усама бин Лодин молиявий жиҳатдан таъминлаб тургани барчага маълум, деди Президент.

● Исроил авиацияси Фаластин мухториятининг биноларига қарата зарбалар беришни давом эттирмоқда. Исроил раҳбарияти Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арофат Исроилда яқинда содир бўлган портлашларнинг айбдорлари бўлмиш террорчиларга нисбатан қатъий чоралар кўрмагунига қадар бундай зарбалар давом эттирилажаги тўғрисида огоҳлантирди. Ёсир Арофат радикал ҳаракатининг 180 фаоли ҳибсга олинганлигини айтди, бироқ Исроилнинг фикрича асосий террорчилар ҳамон озодликда юрибди.

● Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий Исроилнинг Фаластинга нисбатан босқинчилик ҳаракатларини қоралаб, халқаро ҳамжамиятни фаластинликларни ҳимоя қилишга чақирди. У Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари иштирокида Яқин Шарқ масаласида шошилинч мажлис ўтказиш лозим, деган фикрда.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин расмий ташриф билан Грецияга келди. У мазкур мамлакат раҳбарияти билан учрашувлар ўтказади. Музокараларда икки давлат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш, Болқон минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади. Учрашувлар якунида бир нечта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

● Германия ҳукумати келаси йилнинг 22 сентябрида мамлакатда парламент сайлови ўтказишга қарор қилди. Бу қарор Президент Йоханнес Рау томонидан тасдиқланиши лозим.

● Яман давлатида жангарилар томонидан гаровга олинган Германия фуқаросини қутқариш учун қилинган уриниш вақтида 5 киши ҳалок бўлди ва 10 киши жароҳатланди.

● Грузия маъмурлари полициянинг собиқ зобити Г. Хурцелавани таниқли тележурналист Г. Санаяни ўлдирганликдаги иши муносабати билан ҳибсга олди.

● **Бугун** Арманистоннинг Спитак шаҳрида рўй берган кучли зилзилага 13 йил тўлди.

● Ливерпуль ва Лондон шаҳарларида бокс бўйича Ўзбекистон ва Англия ёшлар жамоаларининг ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Унда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари 5:1 ва 6:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

